

# **МАВЗУ: КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

**Режа:**

- 1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.**
- 2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби.**
- 3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари**

# 1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Таъсисчилар таркибини аниқлаш ва таъсис хужжатларини ишлаб чиқиши

Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолияти ҳақида таъсисчилар томонидан шартнома тузиши

Корхона низомини тасдиқлаш ва баённомани расмийлаштириши

Банкда вақтинча ҳисоб рақамини очиши

Корхонани рўйхатдан ўтказиш

Давлат реестрига киритиши учун корхона ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш

Корхона иштирокчи-лари омонатларини банкка тўла киритиши

Банкда доимий ҳисоб рақамини очиши

Корхонани туман солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш

Думалоқ муҳр ва бурчакли штамп тайёрлашга руҳсатнома олиши ва уларни тайёрлаш

# Давлат рўйхатидан ўтказишида тақдим қилинадиган хужжатлар рўйхати

- 1 • Ариза
- 2 • Давлат тилидаги таъсис хужжатларининг икки асл нусхаси:
  - устав
  - - таъсис шартномаси ва устав – маъсулияти чекланган жамиятлар учун
- 3 • Давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов хужжати (дехқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);
- 4 • 12 май 2011 йилдан бошлаб фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (Электрон-Интернет тармоғи орқали амалга оширилади)
- 5 • Уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари

# Якка тартибдаги тадбиркорлар

1. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза
2. 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат
3. Давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги хақидаги банк тўлов ҳужжат
4. Паспорт нусхаси

# Юридик шахс бўлмаган дехқон хўжаликлари

1

- Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза

2

- Туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори

3

- Муҳр ва штамп эскизлари (аризачининг хоҳишига кўра)

4

- Паспорт нусхаси

# **Давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат божини тўлаш тартиби**

**1-минимал иш ҳақи миқдорида (149775 сўм)**

**бориши қийин бўлган ва тоғли туманларда  
ташкил этиладиган тадбиркорлик  
субъектларидан давлат божи белгиланган  
миқдорнинг 20 фоизи миқдорида ундирилади  
(29955 сўм)**

**дехқон хўжаликлари, шунингдек давлат  
корхоналари негизида ташкил қилинадиган  
акциядорлик жамиятларидан давлат божи  
олинмайди.**

# **ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**



Туман (шахар) ҳокимлиги  
хузуридаги тадбиркорлик  
субъектини рўйхатга олиш  
инспекцияси

# Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси

Хужжатлар тушган кундан бошлаб уч кун давомида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги (сабабларини кўрсатган холда) хақида қарор қабул қиласди.

## Икки иш куни ичида:

- статистик кодлар биритиради;
- тадбиркорлик субъектининг жойлашган туман ДСИга хабар қиласди;
- муҳр ва штапм тайёрлаш учун рухсатномани расмийлаштиради; давлат рўйхатидан ўтганлиги хақидаги гувоҳнома ва бошқа хужжатларни беради;

Тадбиркор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса 3 иш соат давомида рад жавобини беради.

Тадбиркорлик субъектини рўйхатга олингандан сўнг бир кун давомида жойлашган жойи бўйича давлат реестри тўғрисидаги маълумотни солиқ инспекцияси ва ички ишлар органларига юборадилар.

## **Тадбиркорлик субъектига инспекция томонидан бериладиган хужжатлар**

**юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис ҳужжатлари**



**эскиз билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома берилади.**

**Якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган дехқон хўжалигига**

**рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома**



**эскиз билан (тадбиркорларнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома беради**

# **Банк ҳисоб рақамлари очиш ва лицензиялар (рухсатномалар) олиш тартиби**

**Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан  
ўтгач тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун  
мажбурий тартибда**

**Банкларга**

**Ваколатли давлат  
органларига**

**Ўз фаолияти учун зарур бўлган ҳисоб  
рақамлари очиш учун (якка  
тартибдаги тадбиркорлар ва юридик  
шахс бўлмасдан ташкил  
этилган деҳқон хўжаликлари ҳисоб  
рақами очиш учун ўз хошишига кўра  
мурожаат қиласидилар)**

**Тадбиркорлик фаолиятининг айрим  
турларини амалга ошириш учун қонун  
хужжатларида белгиланган тартибда  
лицензиялар (ёки рухсатномалар)  
олиш учун мурожаат қиласидилар**

## БАНКДА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИШ УЧУН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ТОМОНИДАН БАНККА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

очиладиган ҳисоб рақамлари турлари кўрсатилган ҳолда ариза

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

раҳбар ва бош бухгалтер имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари (дехқон хўжалиги бошлиғи ва якка тартибдаги тадбиркор ўз имзолари намуналарини тақдим этади) ва думалоқ муҳр оттискининг икки нусхаси.

юридик шахс мақоми билан фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг нусхалари (таъсис шартномаси, устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади.

*Аризани кўриб чиқиш ва банк томонидан ҳисоб рақами очиш муддати кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки банк кунидан ортиқ бўлмаслиги керак (57-банднинг еттинчи хатбоиси ЎзР ВМ 294-сонли қарори 2.10. 2011).*

Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:



**тегишли бўлмаган рўйхатга олиш  
органига мурожаат қилиш**




**кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ  
тақдим этилмаганлиги**



**тақдим этилган ҳужжатларнинг  
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги  
талабларига мос келмаслиги**

# Тадбиркорлик субъектини тугатиш тартиби



## **2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби**

Лицензия корхонани бошқаришдан манфаатдор бўлган шахснинг таъсис ҳужжатлари нусхаси илова қилинган аризасига қараб берилади. Керакли ҳужжатлар ва ариза берилгандан сўнг, 30 кун ичида лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

Агар лицензия бериш учун керакли қарор қабул қилишда экспертиза талаб қилинса, бу экспертизани вазифаси назорат қилишдан иборат бўлган давлат органлари амалга оширади. Экспертиза хulosаси олингандан сўнг, 15 кун мобайнида ариза ва керакли ҳужжатлар топширилгач, 60 кундан кечиктирмай, қарор қабул қилинади. Бунда экспертиза ўтказиш учун кетган харажатларни ариза берувчи тўлайди.

## Лицензия берувчи органлар

Лицензия берувчи органлар	Фаолият тури
Вазирлар Маҳкамаси	-ракета-космик мажмуи; -алоқа тизимлари; -қимматбаҳо металлар; -қимматбаҳо тошлар қазиб олиш; -қимматбаҳо тошлар ва металлардан заргарлик буюмлари ясаш; -ҳаво таранспорти ва бошқа фаолият турлари.
Адлия вазирлиги	-юридик шахсларнинг юридик фаолият билан шуғулланишга, масалан, адвокатлик маслаҳати, нотариал идора ва бошқалар.
Молия вазирлиги	-қимматли қофозларни чиқариш; -лотерея ўйинларини ўтказиш ва бошқалар.
Марказий банк	-валюта қийматликлари билан операциялар ўтказиш; -тижорат банклари очиш ва бошқалар.

Ички ишлар вазирлиги	-овчилик ва спорт ўқотар қуроллари ва уларга ўқдорилар ишлаб чиқариш, тузатиш ва сотиш; -совуқ қуроллар ишлаб чиқариш ва сотиш; -таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни экиш, қайта ишлаш ва сотиш; -наркотик моддалар тайёрлаш, сотиш ва бошқалар.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш; -тиббий хизмат кўрсатиш; -парфюмерия ва косметика буюмлари, майший кимё товарларини тайёрлаш ва бошқалар.
Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари	-соғломлаштириш ва болалар, ўсмирлар ҳамда ёшлар лагерларини ташкил қилиш; -хусусий ўқув муассасаларини очиш ва бошқалар.
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги	Алоқа хизмати кўрсатиш.

Лицензия икки нусхада бўлиб, хужжат беришга жавобгар шахс томонидан қўл қўйилиб, бераётган органнинг муҳри босилиб, бир нусхада ариза берувчига топширилади.

Лицензияда қўйидагилар кўрсатилган бўлади:

- лицензия бераётган муассаса номи;
- юридик шахснинг номи ва манзили ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг исми-шарифи, турар жойи;
- лицензия берилаётган фаолият тури;
- фаолиятни амалга ошириш қоидалари ва шартшароитлари;
- лицензиянинг рўйхат рақами, берилган вақти ва муддати.

### **3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари**

**Корхонанинг бошқарув таркиби деганда,** бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва функциялирни бажарувчи, бир-бiri билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг мажмуи тушунилади.

Бошқарув таркиби ишлаб чиқариш таркиби деб ҳам юритилади. Бунда бошқаришни ташкил этишнинг дастлабки ва белгиловчи омили ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. У ўзаро боғланган асосий, ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи жараёнлардан иборат бўлиб, бу жараёнлар бўлимлар ва ходимлар ўртасида меҳнат тақсимотини талаб қиласди. Шу мақсадда ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларга хос бўлган бошқарув аппарати тузилади. Бўлинмалар йиғиндиси, уларнинг таркиби ва ўзаро алоқа шакллари корхоналарнинг ишлаб чиқариш таркибини ташкил этади.

Бошқарувнинг максади, функцияси, вазифаси, объекти ва органлари унинг ташкилий таркибини белгилаб беради. Ташкилий таркибларни ҳосил қиласиган бошқарув органлари бошқарув бўғинлари ва бошқарув босқичлари шаклида бўлади.

**Бошқарув бўғини** – бу бошқарувнинг айрим ёки қатор функцияларини бажарувчи мустақил бўлимлардир. Бу бўлимлар ўртасидаги боғланиш ва алоқалар горизонтал характерга эга бўлади.

**Бошқарув босқичи** – бу иерархиянинг муайян даражасида амал қиласиган бўғиндир. Масалан:

**Вазирлик → бирлашма → корхона → цех → участка**

Бошқарув босқичлари бир бошқарув бўғинининг иккинчисига, одатда, қуйи бўғиннинг юқори бўғинига изчиллик билан бўйсуни-шини кўрсатади. Бу вертикал бўйича бўлиншидир.

Раҳбарнинг бошқарув услуби деганда, бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларини ҳал қилиш усуллари мажмуи тушунилади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарликнинг қуидаги бошқарув услубларидан фойдаланилади:

1. Хўжалик ишларидаги камчиликларга муросасиз бўлиш.
2. Жамоа ва унинг ҳар бир ходими тўғрисида қайғуриш.
3. Юқори маданиятли бошқарувнинг ташкил қилиш.
4. Раҳбарнинг янгиликни ҳис этиш қобилияти.